





RESULTS OF NATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH

Scientific journal



40	Artikov Zokir Sayfiddinovich Khakimov Damir Ulugbekovich	MECHANISMS FOR IMPROVING ATTRACTION INVESTMENT OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF THE SAMARKAND REGION	368
41	Kasimaxonoma Anarxan Mamasadikovna Nazarkasimova Feruza Muxamadaliyevna	NASOS STANSIYASI ELEKTR TA'MINOT TIZIMLARIDA ELEKTR ENERGIYA SIFATINI OSHIRISH	379
42	Ashuraliyev Alisher Bazarbayevich Ashuraliyev Azizbek Alisher ogli	ORGANIZATION OF BEACHES AND BATHS FOR CHILDREN AND THE WORK OF A SWIMMING INSTRUCTOR	385
43	Toshtemirov Elyor Nuraliyevich Ziyayeva Hamida Abdurahimovna	ANTONYMY OF PHRASEOLOGICAL UNITS: FORMAL AND SEMANTIC SIMILARITY AS A CRITERION OF OPPOSITION	390
44	Karimova Dilorom Shavkat qizi	THE IMPORTANCE OF MISTREATMENT TECHNOLOGY IN ENGLISH TEACHING AND LEARNING	395
45	Пазлидинов Мухиддин Махаммадин угли	АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ	401
46	Rahmonov X.Q., Fayziyev S.H., Toyirova G.T.	TOLA VA MOMIQNI TOZALASH USKUNALARI TA'MINLASH TARNOVINI KONSTRUKSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH	407
47	Турғунова Ёркиной Эргашевна Ашуров Мўмин Умарович	ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ АХАМИЯТИ	415
48	Гулноза Мирхалилова	ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЖИҲАТЛАРИ	419
49	B.Sh.Gaybullayev V.G.Nasrullayev	RESEARCH OF THE PROCESS OF TURNING A PLASTIC HOUSING WITH AN EXCESSIVE	428
50	Алимова Халима Алимовна Умурзакова Халима Хабибуллаевна Холдарова Севара Шавкат кизи	ЖАРОҲАТЛАРНИ ДАВОЛАШ ҲАМДА Тўқималарни ўстириш учун ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АНТИБАКТЕРИАЛ ТАБИЙ ИПАК САЛФЕТКАСИ	433
51	Назаров Мухитдин	ИЛМИЙ БИЛИШДА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКНИНГ ДИАЛЕКТИК КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ўрни	447
52	Nozima Davronova	INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN	453
53	Xurramova Nazira Xurram qizi	GEOBOTANICAL STUDIES OF THE DESERT ZONES OF THE TERRITORY OF UZBEKISTAN, IN PARTICULAR, THE KYZYLKUM DESERT	459
54	Saksonov U S	THE IMPORTANCE OF APPLYING RESOURCE-EFFICIENT IRRIGATION TECHNOLOGIES TO WINTER WHEAT TODAY	465
55	Дуйсенбаева Амина Сарсенбаевна	ЭКОЛОГИЯЛЫҚ ФАКТОРЛАРДЫҢ ИНСАН ОРГАНИЗМИНЕ ТӘСИРИ	471
56	Jangabaeva Ramash Qayirbergenovna Madetova Nilufar Maxkamjon qizi	TECHNOLOGIES FOR INCREASING THE MILK PRODUCTIVITY OF CATTLE	477
57	Pardayev Saidakbar O'ktam o'g'li,	O'ZBEKISTON LOGISTIKA MARKAZLARIDA XIZMATLAR SAMARADORLIGI	485
58	Нишинов Элдоржон Музафар ўғли	БЕЗОРИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ МУАММОЛАР	493
59	Усманиев Нажмиддин Қўшбоқ ўғли	ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР: ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСКИЧИДА МУДДАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР	504
60	Нишинов Элдоржон Музафар ўғли	БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БўЛГАН ҲОЛАТЛАР	511
61	Усманиев Нажмиддин Қўшбоқ ўғли	«ПРОЦЕССУАЛ» ВА «ОҚИЛОНА» МУДДАТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ўзаро МУНОСАБАТИ	518
62	Нишинов Элдоржон Музафар ўғли	БЕЗОРИ ШАХСИ, УНИНГ ЖИНОИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИНГ МОТИВЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИНИ ўРГАНИШ	532
63	БАЗАРОВА АМАЛЬ РУСТАМОВНА	ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ	544
64	Pazilidinov Mukhiddin Makhammadin o'g'li	IMPROVING ENERGY EFFICIENCY IN THE AGRICULTURAL ECONOMY	550
65	Kamalov Bobur	SIZE-PLANNING AND URBAN PLANNING OF BUILDINGS IN SEISMICALLY ACTIVE REGIONS REQUIREMENTS FOR SOLUTIONS	556
66	Mamasidiqov Fazliddin Muzaffar o'g'li	POP TUMANING TARIXIY VA TURISTIK NUQTALARI	563
67	Boymatov Mexrojiddin Xafizovich	PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR FORMING SPORTS MOTIVATION	567
68	А.Парниев Х.И.Абдуллаев Б.Э.Қаршиев И.Д.Исмоилов	ПАХТАНИ ТОЗАЛАШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАҲЛИЛИ	577
69	Madina Azizova Bahromjon qizi	TOURISM TERMINOLOGY AND ITS CLASSIFICATIONS	583
70	Баҳодиров У.Ш., Бабоев С.К., Тураев О.С. Мелиев С.К.	ШИРАНИНГ БУҒДОЙ НАМУНАЛАРИДАГИ ТРАНСПИРАЦИЯ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ	588
71	Karimova Iroda Abdusattorovna	IQTISODIY QONUNLAR VA ULARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	602
72	Q.Q. Alijanov	TECHNOLOGY OF PROCESSING SHAPED SURFACES	609
73	Ravshanova Mokhibonu, Ibragimov Khasan	PREDICTORS OF POSTPARTUM HEMORRHAGE IN VAGINAL DELIVERIES: RETROSPECTIVE OBSERVATIONAL STUDY	617
74	Q.Q. Alijanov	IMPROVING THE EFFICIENCY OF PROCESSING SHAPED SURFACES WITH CARBIDE CUTTERS	627
75	Ravshanova Mokhibonu, Ibragimov Khasan	EFFICIENCY OF LONGITUDINAL GASTRIC RESECTION IN PATIENTS WITH OBESITY	637



ПАХТАНИ ТОЗАЛАШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАҲЛИЛИ

А.Парпиев-техника фанлари доктори., профессори,
Х.И.Абдуллаев- бош муҳандиси,
Б.Э.Қаршиев- таянч докторант,
И.Д.Исмоилов- таянч докторант.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

e-mail: behruz-sarvar@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7182657>

Аннотация: Мақолада пахтани қуритиш ва тозалаш технологиясини таҳлили, қуритилган қизиган пахтани тозалашга узатишда пневматранспорт воситаси қўлланилиши сабабли уни совиш температурасини пасайишини, қуритилган пахтани тозалашга узатишда махсус транспортёр тавсия этилиган.


Калит сўзлар: Пахтани қуритиш, тозалаш, майда ифлосликлар, йирик ифлосликлар, қозикчали барабан, аррачали барабан.

Пахтани қуритиш ва тозалаш техника, технологияларини ҳозирги ҳолати ва уларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларни таҳлили, тозалаш самарадорлигини ошириш мавжуд тозалагичларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш ҳамда пахтани қайта ишлаш объекти сифатида тозалашга оптимал тайёрлаш, яъни пахта тузилма таркиби, тола намлиги ва температурасини оптимал қийматларда бўлишини таъминлаш йўналишларида бўлаётганини кўрсатди.

Мавжуд тозалагичларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш йўналишида кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилиб, аррали ва қозикчали барабан секцияларини асосий ишчи элементлари, геометрик ва тезлик параметрлари, технологик кўрсаткичлари асосланган. Майда ва йирик ифлосликлардан тозаловчи қозикчали ва аррачали барабан секцияларини турли ҳилдаги компоновкалари асосида тозалагичларни янги конструкциялари ишлаб чиқилган.

Мавжуд тозалагичларни захира имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш амалга оширилган. Лекин иккинчи йўналиш пахтани тозалашга тайёрлаш, тола намлиги ва температурасини тозалаш жараёнларида оптимал қийматларда бўлишини таъминлаш йўналишида амалга оширилган тадқиқотлар етарли эмас. Тадқиқотларда [1,2] тозалагичларни тозалаш самарадорлиги юқори бўлиши учун тола температураси 40-50°C, намлиги 6-7% бўлиши тавсия этилган бўлсада, ушбу кўрсаткичларни таъминловчи техник ечимлар йўқлиги аниқланди.

Мавжуд пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларида пахтани тозалашга тайёрлаш учун пахтани қуритиш жараёни киритилган бўлиб, унда қуритиш барабанларида пахтани қуритиш ҳисобига, уни иссиқлик намлик ҳолатини тозалашга мослаштирилади.



1-сепаратор СС-15А; 2-қуритиш барабани 2СБ-10; 3-ТХЛ-600Б қия тасмали транспортёр; 4-ШХ шнеки; 5-1ХК тозалагич; 6-УХК агрегати сеқцияси; 7-8ТХСБ горизантал тасмали транспортёр; 8-ЧТЛСБ тасмали транспортёр; 9-1РХ регенератор; 10-йиғувчи камера.
пахта харакати.

- / ————— → тозалагичлардан кейинги пахта аралашган чиқинди.
- - - - - → регенирацияланган пахта.

—————//—————→ 1ХК тозалагичлардан кейинги ифлослик.

1-расм. Пахтани қуритиш ва тозалашни мувофиқлаштирилган технологик ускуналарни технологик схемаси.

Пахта тозалаш корхонасида иккита 2СБ-10 ёки СБО қуритиш барабани ўрнатилиб, улар параллел ёки кетма-кет ишлаши мумкин. Пахтани дастлабки ишлашни мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ 70-2017) [3] тавсияси бўйича пахтани қуритиш-тозалаш цехлари ва тозалаш цехларида қуритиш белгиланган бўлиб, пахта намлиги 14% гача бўлганда уни тозалаш цехида қуритиб қайта ишлашга, пахта намлиги 14% дан юқори бўлганда қуритиш-тозалаш цехида 14% гача қуритиб сунгра тозалаш цехига узатиш белгиланган, қуритиш тозалаш цехида пахтанинг I, II, III навлари II %, IV-V навлари намлиги 14% гача қуритилиш тавсия этилган.

Қуритиш-тозалаш цехларида намлиги 19% гача бўлган пахта-бир, намлиги 29% гача икки, 29% дан кўпи-уч марта қуритилади.

Пахтани қуритиш ускуналарининг иш тартиби пахтанинг навига ва дастлабки намлигига, талаб этилган намликни камайтириш ва иш унумдорлигига қараб ўрнатилади.

1-расмдан кўриниб турибдики қуритиш барабанида қуритилган пахта сепаратор СС-15А ёки лентали транспортер ёрдамида тақсимловчи шнекка узатилади. Сўнгра пахта 1ХК тозалагичларда 6 ёки 10 та қозиқчали барабанда тозаланиб УХК тозалагичга берилади.

Пахта ифлослигига қараб УХК тозалагични аррали секциясини 1та, 2та, 3та ёки 4та секциясида тозаланиши мумкин. Тозалашдан чиққан пахта алохида пневматик труба ёрдамида ёки лентали транспортерда йиғилиб сўнгра пневматик труба ёрдамида сепаратор орқали жин батареясининг тақсимловчи шнекига узатилади.


Аррали секциялардан ифлослик билан тушган пахта йиғилиб регенераторда ифлосликдан ажратилиб йиғувчи камерага узатилади. Сўнгра

алохида қайта ишланади. Шунини таъкидлаш керакки қуритиш барабанидан тозалогичларга ва жин ускунасига масофа катта бўлишига қарамасдан пневматранспорт тизимидан фойдаланилган. Вахоланки, уни ўрнига лентали транспортерлардан фойдаланиш ҳисобига электр энергия сарфини камайтириш, ҳаво ифлосланишини олдини олиш мумкин.

Пахтани дастлабки ишлашни технологик регламенти”тавсияси бўйича 14% дан юқори намликдаги пахталарни қуритиш-тозалаш цехида қуритиш белгиланган бўлсада лекин бирорта пахта тозалаш корхоналарида қуритиш-тозалаш цехлари йўқ. Пахтани бошланғич намлиги қандай бўлишидан қатий назар тозалаш цехида 1 ёки 2 марта қуритилиши мумкин. Қуритиш барабани намлиги бўйича иш унумдорлиги имкониятидан келиб чиққан ҳолда пахта қуритилиб тозалашга узатилади, уни намлиги турли қийматларда бўлиши мумкин. Бу пахтани пахта тозалаш корхоналарида қуритишни ташкил этишдаги энг асосий камчиликлардан бири ҳисобланади.

Пахтани бошланғич намлигига қараб уни қуритиш режимини танлаш ва уни тозалашга узатишдан олдинги намлигини муқобиллаштириш талаб этилади.

Ишлаб чиқариладиган тола сифатини яхшилашни энг асосий омили пахта намлигини тозалаш ва жинлашда 8-9% бўлишини таъминлаш ҳисобланади.



1-таъминлагич; 2-иссиқ ҳаво бериш трубаси; 3-қуритиш барабани; 4-пахта чиқиш туйнуғи; 5-транспортёр; 6-тақсимловчи шнек; 7-УХК тозалаш агрегатлари.

2-расм Пахтани тозалашга узатиш схемаси

Пахтани тозалашга тайёрлашни мавжуд схемасини тахлили, ишлатилган иссиқ ҳаво ўзидаги иссиқликни тўлиқ пахтага бермасдан атмосферага чиқиб кетаётганини, қуритилган ва қизиган пахта эса тезлиги 25-30 м/сек. тезликдаги ҳаво оқимида сепаратор СС-15А га узатилаётганлиги совутилаётганини кўриш мумкин.

Мавжуд пахтани тозалашга узатиш схемасини тахлили асосида пахтани тозалашга узатишни тавсия варианты тайёрланди. Тавсия вариантыда (2-расм) барабандан чиқаётган пахта герметик берк лентали транспортерга тушиб уни ёрдамида тозалагичлар шнекига узатилади, натижада тозалаш жараёнига қизиган холда тушади. Қуритилган пахтани пневматик ва лентали транспортерда тозалашга узатишда пахта температурасини ўзгариши ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Парпиев А., Ахматов М., Усманкулов А., Муминов М. Пахта хомашёсини қуритиш. Дарслик. Чўлпон. Тошкент. 2019. 197 б.

2. Мадумаров И.Д. Пахтани иссиқлик намлик ҳолатини мувофиқлаштириш ва бир текис таъминлаш асосида тозалаш жараёнининг самарадорлигини ошириш. Техн. фанлари доктори. Дисс. Тошкент 2019. 208 б.

3. Регламентированная технологическая переработки хлопка-сырца (ПОХ 70-2017). Узхлопкопром. Ташкент, 2017, С.36-38.